

ТАСДИҚЛАЙМАН
«Аммофос-Максам» АЖ
Бошқарув раиси

А.Т. Турсунов

2022 й.



«AMMUFOS-MAHAM» АЖ

Ишга қабул қилишда номзодларни текшириш тўғрисидаги ЙЎРИҚНОМА



Ушбу ҳужжатга эғалик ҳуқуқи «Аммофос-Максам» АЖ га тегишли бўлиб, ҳужжат конфиденсиал хусусиятга эга. Мазкур ҳужжатнинг мазмуни, СБВ билан келишилмаган ҳолда, бирор бир ерда тўлиқ ёки қисман келтирилиши ва корхона ходими ҳисобланмаган учинчи шахсларга берилиши таъқиқланади.

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

Комплаенс хизмати мутахассиси

Р.Ж. Матёкубов

КЕЛИШИЛГАН

Комплаенс хизмати бошлиғи

А.А. Абдубоисхўжаев

Юридик шартномалар бўлими
етакчи юрисконсульти

У.Т. Эргашев

Кадрлар бошқармаси бошлиғи

Б.М. Мирсаидова

Бошқарув аъзолари:

Ф.З. Шакиров

Б.Б. Содиков

Ж.Ю. Юсупов

А.В. Маннапов

Молия директори в.в.б.

Н.М. Мирсаитова

Сифат бошқариш вакили

Н.В. Волынскова



aksiyadorlik jamiyati

Ҳужжатнинг хос рақами

Й 00203074-48-01:2022

Тахрир

1

Амал қилиш муддати

дан

гача

Узайтирилди

гача

Мундарижа

Ўзгартиришларни қайд этиш варағи.....	3
1 Асосий қоидалар.....	4
1.1 Умумий қоидалар.....	4
1.2 Асосий атамалар, таърифлар ва қисқартмалар.....	4
1.3 Текширилиши лозим бўлган номзодлар.....	5
2 Номзодларни ишга тасдиқлаш методологияси ва мезонлари.....	5
2.1 Текшириш ўтказишнинг умумий тамойиллари.....	5
2.2 Текшириш ўтказиш муддатлари.....	6
2.3 Текшириш учун ҳужжатлар ва маълумотларни олиш.....	6
2.4 Текширишни ўтказиш учун ахборот манбалари.....	6
2.5 Текширишни ўтказиш методологияси ва қоидалари.....	7
2.6 Текшириш натижалари.....	8
2.7 Ҳужжатларни текшириш ва сақлаш муддатларини расмийлаштириш.....	8
3 Ўзгартириш киритиш тартиби.....	9
4 Иловалар.....	10
<i>Илова 1 – Ишга қабул қилинаётган номзодларни тасдиқлаш реестри шакли....</i>	<i>10</i>
<i>Илова 2 – Ишга қабул қилинаётган номзодни текшириш натижалари бўйича хулоса.....</i>	<i>11</i>

Ўзгартиришларни қайд этиш варағи

Ўзгартиришнинг т/р	Варақлар рақами (бет)				Ҳужжатдаги жами варақ (бет) сони	Ҳужжатнинг рақами	Бирга юборилган ҳужжатнинг т/р	Имзо	Сана
	Ўзгартирилган	Алмаштирилган	Янги	Олинган					
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

1 Асосий қондалар

1.1 Умумий қондалар

1.1.1 “АММОФОС-МАХАМ” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда – “Жамият”) ишга қабул қилишда номзодларни текшириш тўғрисидаги ушбу Йўриқномаси (кейинги ўринларда “Йўриқнома” деб юритилади) Жамиятнинг Кадрлар бошқармаси ходимлари томонидан ишга қабул қилинаётган номзод шахсларни текширишнинг асосий тамойиллари, тартиби, методологияси ва муддатларини белгилайди.

1.1.2 Ишга қабул қилишда номзодларни текшириш мақсадлари қуйидагилардан иборат:

1.1.2.1 Номзоднинг ўзи, унинг касбий фаолияти, бошқа жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан давлат амалдорлари билан оилавий ва тижорат муносабатлари тўғрисидаги маълумотларини текшириш;

1.1.2.2 Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатлари талабларига мувофиқ, ўз хизмат вазифаларини холис ва виждонан бажаришга қодир бўлган, юқори малакали жисмоний шахслар билан меҳнат муносабатларини расмийлаштириш;

1.1.2.3 Жамиятда хизмат вазифаларини бажариш учун етарли билим ва тажрибага эга бўлмаган, ҳуқуқбузарликларни содир этишга, шу жумладан, коррупция ва бошқа фирибгарлик ҳаракатларига мойил бўлган номзодлар билан меҳнат муносабатларига кириш хавфини минималлаштириш. Номзодлар характерининг хусусиятлари ва/ёки турмуш тарзи Жамият обрўсига путур етказиш, коррупция ва бошқа хавфларни ўз ичига олади.

1.2 Асосий атамалар, таърифлар ва қисқартмалар

1.2.1 Киритилган атамалар ва таърифлар

Яқин қариндошлар – Ходим билан қариндош бўлганлар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-укалар ва опа-сингиллар, эр (хотин), фарзандлар, шу жумладан, фарзандликка олинганлар, боболар, бувилар, неваралар, шунингдек эрнинг (хотиннинг) ота-онаси.

Давлат мансабдор шахси:

- Ўзбекистон Республикаси ёки хорижий давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ёки суд ҳокимиятида тайинланган ёки сайланадиган лавозимни эгаллаган ҳар қандай шахс;

- Ўзбекистон Республикаси ёки хорижий давлат, шу жумладан давлат органи, корхона ёки муассаса учун давлат вазифаларини бажарувчи ҳар қандай шахс;

- халқаро ташкилотнинг ҳар қандай расмийси ёки вакили;

- сиёсатчилар, сиёсий партиялар амалдорлари, шу жумладан сиёсий лавозимларга номзодлар.

Таркибий тармоқ – «АММОФОС-МАХАМ» АЖнинг бошқарма, бўлим, бўлинма, цех ва хизматлари;

Ижрочи - номзодни танлаш ва профессионал танлаш жараёнини назорат қилувчи, номзод ҳақидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишни ўз ичига олган, номзодни тўғридан-тўғри текширадиган Жамиятнинг Кадрлар бошқармаси ходими.

Номзод - Жамиятнинг бўш иш лавозим талабларига жавоб берадиган, профессионал билим, кўникма ва малакага эга бўлган, танловдан ўтадиган ва танланадиган шахс.

Манфаатлар тўқнашуви - ходимнинг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда ходимнинг шахсий манфаатдорлиги

билан Жамият ўртасида қарама-қаршилиқ юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

Шахсий манфаат - ходимнинг ёки унинг яқин қариндошининг унга ёки унинг яқин қариндошларига пул маблағлари, бошқа мол-мулк, шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар, мулкӣ хизматлар, бажарилган ишлар натижалари ёки бошқа имтиёзлар (афзалликлар) олиш имконияти билан боғлиқ бўлган қизиқиши.

Жамият - «АММОФОС-МАХАМ» акциядорлик жамияти.

Жамият бошқарув органлари - Бошқарув Кузатув кенгаши;

Раҳбарлик лавозимлар - бошқарма/бўлим/бўлинма/хизматлари раҳбарлари, шунингдек, Жамиятда бошқарув вазифаларини бажарадиган бошқа ходимлар.

1.2.2 Ушбу Йўриқномада ишлатилган, аммо аниқланмаган атамалар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва Жамиятнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларида қўлланилган маъноларда ишлатилади.

1.3 Текширилиши лозим бўлган номзодлар

1.3.1 Барча номзодлар, танлов ўтказиладиган лавозимидан қатъи назар, текширилиши шарт, Жамиятнинг бошқарув органлари аъзолари бундан мустасно.

1.3.2 Жамиятнинг бошқарув органлари аъзоларини текшириш «АММОФОС-МАХАМ» акциядорлик жамияти ижроия органи раҳбарларини танлаш тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширилади, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли хизматлари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

1.3.3 Текшириш куйидаги ҳолатларда ўтказилмайди:

1.3.3.1 Жамиятнинг ходимлари бўлган ва лавозимга кўтарилиш/пасайиш ёки ротация туфайли бошқа лавозимга ўтказилган номзодлар;

Ходимни Жамиятдаги мавжуд бошқа лавозимга ёки таркибий тармокка ўтказиш пайтида манфаатлар тўқнашуви мавжудлигини текшириш учун қўлланилади.

1.3.4 Кадрлар бошқармаси ташаббуси ва Жамият Бошқарув кенгаши раисининг рухсати билан куйидаги ҳолларда ходимлар ва номзодлар қўшимча текширишдан ўтказилиши мумкин:

1.3.4.1 Ушбу йўриқноманинг 1.4.3-бандига мувофиқ, Жамият ичида ўтказишлар амалга оширилганда, номзод ҳақидаги маълумотларнинг тўғрилигини текшириш учун;

1.3.4.2 Ходим ишлаган кундан бошлаб 3 (уч) йилдан ортиқ вақт ўтганидан кейин.

2 Ишга қабул қилишда номзодларни текшириш методологияси ва мезонлари

2.1 Текширишни ўтказишнинг умумий тамойиллари

2.1.1 Номзодни текшириш Жамиятнинг Кадрлар бошқармаси ходими томонидан номзод профессионал танлов ва/ёки синовлардан муваффақиятли ўтгандан ва у билан ишлашнинг молиявий ҳамда бошқа шартлари келишилганидан кейин амалга оширилади.

2.1.2 Номзодларни текшириш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига, Ўзбекистон Республикасининг "Шахсга доир маълумотлар тўғрисида"ги 02.07.2019 йилдаги ЎРҚ-547-сон қонунига, шунингдек, Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ иш берувчи сифатида фаолият юритувчи Жамият манфаатларини кўзлаб, объектив ҳар томонлама ҳолис амалга оширилади.

2.2 Текшириш муддатлари

2.2.1 Номзодни текшириш ушбу Йўриқномада кўрсатилган қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

2.2.1.1 Номзод Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган текширишнинг барча босқичларини ўтиши;

2.2.1.2 Номзод(лар)ни ишга қабул қилиш бўйича текшириш ўтказадиган бўлим/хизмат бошлигининг ёзма тасдиғи.

2.2.2 Номзодни текшириш ижрочининг ушбу Йўриқноманинг 2.3.2-бандида назарда тутилган барча ҳужжатлар ва маълумотларни олган пайтдан бошлаб текшириладиган номзоднинг лавозимига қараб қуйидаги муддатларда амалга оширилади:

2.2.2.1 Бошқарув лавозимига номзод - 10 (ўн) иш куни ичида;

2.2.2.2 Бошқа номзодлар-5 (беш) иш куни ичида.

2.2.3 Агар номзодни белгиланган муддатларда текшириш имкони бўлмаса, унинг давомийлиги 5 (беш) иш кунига қадар Кадрлар бошқармаси бошлиғи ҳамда текширишни амалга оширадиган бўлим/хизмат бошлиғи билан келишилган ҳолда узайтирилиши мумкин.

2.3 Текшириш учун ҳужжатлар ва маълумотларни олиш

2.3.1 Агар лозим топилса, бўш лавозимга бир вақтнинг ўзида бир нечта номзодлар учун текшириш ўтказилиши мумкин.

2.3.2 Текшириш ўтказиш учун Кадрлар бошқармасининг масъул ходими номзоддан қуйидаги ҳужжатларни олиши керак:

2.3.2.1 Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 80-моддасига мувофиқ ишга қабул қилишда талаб этиладиган ҳужжатларнинг нусхалари¹;

2.3.2.2 Шахсий маълумотларни қайта ишлаш учун номзод томонидан имзоланган розилик хати нусхаси;

2.3.2.3 Номзод томонидан тўлиқ тўлдирилган ва имзоланган сўровнома.

Агар сўровномада кўрсатилган маълумотларни текшириш зарур бўлса, Ижрочи номзоддан тасдиқловчи ҳужжатларни сўрайди, лекин номзоднинг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишдан бош тортиши ишга қабул қилишдан бош тортиш учун сабаб бўла олмайди.

2.3.3 Баъзи майдонлар тўлдирилмаган сўровномани олгач, Кадрлар бошқармасининг масъул ходими номзоддан етишмаётган маълумотларни сўраши шарт.

2.3.4 Ижрочи ҳужжатларни қабул қилиш тўғрисидаги маълумотларни ишга қабул қилинганидан кейин 1 (бир) иш кунидан кечиктирмай ишга номзодларни текшириш реестрига киритади (ушбу Йўриқномага 1-илова шаклида).

2.3.5 Ижрочи номзод аризани беришдан ёзма равишда бош тортган тақдирда, номзодни ўзидаги мавжуд ахборотларга, шунингдек расмий сўров юбориш орқали олинган маълумотларга асосланиб текшириши мумкин. Бундай ҳолда, Ижрочи текширув натижалари Хулосада тегишли белгини қўяди (ушбу Йўриқномага 2-илова шаклида).

Номзоднинг шахсий маълумотларини қайта ишлашга унинг ёзма розилигисиз текшириш амалга оширилмайди.

2.4 Текширишни ўтказиш учун маълумот манбалари

2.4.1 Номзодни текшириш доирасида Ижрочи номзоддан олинган маълумотларни, шунингдек, бошқа очиқ манбалардан ёки расмий сўровларни юбориш орқали олинган маълумотларни таҳлил қилади ва қайта ишлайди.

¹ (1) Паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат (ўн олти ёшга тўлмаганлар учун - тутилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва яшаш жойидан маълумотнома); (2) меҳнат дафтарчаси (биринчи марта ишга қираётганлар бундан мустасно; ўриндошлик иш учун мурожаат қилганлар меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан маълумотнома тақдим этилади); (3) ҳарбий хизматга чақирилувчилар учун мос равишда ҳарбий билет ёки рўйхатга олиш гувоҳномаси (агар мавжуд бўлса); (4) олий ёки ўрта махсус, касб - ҳунар таълими муассасасини тугатганлиги тўғрисидаги диплом ёки бошқа тегишли ҳужжат.

2.4.2 Ижрочи томонидан маълумотларни тўплаш номзод ҳақида яхлит ва объектив фикр яратиш, шунингдек, номзоднинг ўзи, шу жумладан сўровномада кўрсатилган маълумотни яшириш ва/ёки сохталаштириш белгилари йўқ ҳужжатларнинг ишончилигини баҳолаш учун мавжуд бўлган барча ахборот манбаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

2.4.3 Номзодни текшириш учун ахборот манбалари қонунийлик ва ҳолислик талабларига жавоб бериши керак. Тақдим этилган маълумотларни текшириш учун аввалги иш жойларига, таълим муассасаларига ва ҳ.к. ларга расмий сўров юборишга йўл қўйилади.

2.4.4 Текшириш учун қуйидаги очиқ ахборот манбаларидан фойдаланиш мумкин:

2.4.4 Текшириш учун қуйидаги очиқ ахборот манбаларидан фойдаланиш мумкин:

- Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар тўғрисидаги маълумотларни текшириш бўйича Давлат хизматлари агентлиги платформаси - https://fo.birdarcha.uz/s/ru_landing

- Солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали - <https://my2.soliq.uz/main/info/debtors?lang=uz>

- Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар портали - <https://data.gov.uz/ru>

- Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси - <https://kadastr.uz/ru/>

- АҚШнинг махсус тоифалар ва тақиқланган шахслар рўйхати (WorldCheck маълумотлар базаси) - <https://sanctionssearch.ofac.treas.gov/>

Ушбу рўйхат Ижрочи томонидан текшириш доирасида ишлатилиши мумкин бўлган тавсия этилган манбалар рўйхати бўлиб, керак бўлганда кенгайтирилиши мумкин.

2.4.5 Ижрочи номзоддан тақдим этилган ҳужжатлар бўйича тушунтириш ва қўшимчалар талаб қилиш ҳуқуқига эга.

2.4.6 Агар лозим топилса, номзод билан боғлиқ ҳар қандай маълумотни аниқлаштириш ва/ёки унинг хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш учун Ижрочи ва/ёки Жамиятнинг бошқа ходимлари билан ташкил қилиниши мумкин. Бундай суҳбат зарурлиги ҳақидаги маълумотлар Кадрлар бошқармаси бошлиғи ҳамда суҳбатни ташкил этиш учун масъул бўлган ташаббускорга маълум қилинади.

2.5 Текширишни ўтказиш методологияси ва қондалари

2.5.1 Ижрочи томонидан номзодни текширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

2.5.1.1 Номзоднинг иқтисодий жиноятлар билан боғлиқ фуқаролик, маъмурий, жиноий ёки интизомий жавобгарликка тортилганлиги ёки уни жалб қилиш фактлари тўғрисида маълумот йўқлиги;

2.5.1.2 Бошқарув лавозимларни эгаллашни тақиқлашнинг йўқлиги - раҳбарлик лавозимида номзод учун;

2.5.1.3 Номзод ёки унинг яқин қариндошлари тўғрисида, шу жумладан коррупция, фирибгарлик ёки бошқа ноқонуний ҳаракатларда иштирок этиш тўғрисида салбий ва компромат маълумотларнинг йўқлиги;

2.5.1.4 Олдинги иш жойларидан салбий тавсияларнинг йўқлиги;

2.5.1.5 Номзод ва унинг яқин қариндошларининг давлат амалдорлари билан алоқадорлик белгиларининг йўқлиги;

2.5.1.6 Номзодда манфаатлар тўқнашуви белгилари йўқлиги;

2.5.1.7 Номзодга нисбатан бошқа хавф кўрсаткичларининг йўқлиги (шу жумладан, салбий кредит тарихининг йўқлиги; ижтимоий тармоқларда ва оммавий ахборот воситаларида тақдим этилган турмуш тарзи расмий даромад даражасига мос келади ва хоказо).

2.5.2 Белгиланган йўналишлар бўйича текширув ўтказиш мажбурийдир. Бундай ҳолда, текшириш йўналишлари рўйхати, агар керак бўлса, ҳар бир алоҳида ҳолатда кенгайтирилиши мумкин.

2.6 Текшириш натижалари

2.6.1 Номзодни текшириш натижалари бўйича Ижрочи текшириш натижалари тўғрисида хулоса тузади (ушбу Йўриқномага 2-илова шаклида).

2.6.2 Текширув бўйича хулосанинг 3-бўлимидаги 3.5-, 3.6- ёки 3.7- саволлардан ташқари, ҳар қандай саволга битта ёки бир нечта хавф кўрсаткичлари ("ха" жавоблари) мавжуд бўлса, номзод умумий салбий баҳони олади.

2.6.3 Номзод 3.5-, 3.6- ёки 3.7 - бандлардаги саволларнинг камида биттасига бир ёки бир нечта хавф кўрсаткичлари ("ха" жавоблари) бўлса, текшириш натижалари ва тузилган хулоса Комплаенс хизмати билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Шу мақсадда Ижрочи коррупция хавфларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги учун олинган маълумотларни баҳолаш учун комплаенс хизматига сўров юборади. Сўровга номзоднинг сўровномаси ва Ижрочи томонидан имзоланган текшириш натижалари тўғрисидаги хулоса илова қилинади. Кўрсатилган сўров ушбу Йўриқноманинг 2.2.2-бандида назарда тутилган муддат тугашидан 2 иш кунидан кечикмай комплаенс хизматига юборилиши керак.

2.6.4 Комплаенс хизмати Ижрочига тегишли бўлимни тўлдириш орқали баҳолаш сўрови олинган вақтдан бошлаб 1 (бир) иш кунидан кечиктирмай текшириш хулосаси асосида коррупция хавфи мавжудлиги ёки йўқлиги учун олинган маълумотларни баҳолашни таъминлаши шарт.

2.6.5 Номзодга салбий баҳо берилса ёки комплаенс хизмати томонидан эътирозлар бўлган тақдирда, номзодни ишга қабул қилиш тўғрисидаги қарорни Жамият бошқарув раиси номзодни танлаган таркибий тармоқ бошлиғи ва Кадрлар бошқармаси бошлиғи томонидан тузилган хизмат хати асосида қабул қилади. Хизмат хати эслатмасига текшириш натижалари ҳақидаги хулосанинг нусхаси илова қилинади.

2.6.6 Ижрочи текширув натижалари тасдиқланганидан кейин 3 (уч) иш кунидан кечиктирмасдан текширувнинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни ишга қабул қилишга номзодларни текшириш реестрига киритади (ушбу Йўриқномага 1 илова).

2.7 Ҳужжатларни текшириш ва сақлаш муддатини расмийлаштириш

2.7.1 Номзодни текшириш натижалари (шу жумладан, текшириш натижалари тўғрисидаги хулоса ва бошқа тегишли ҳужжатлар ва маълумотлар) махфий ҳисобланади ва номзодни танлаш ва текшириш жараёнида иштирок этмаган Жамият ходимларига ва бошқа учинчи шахсларга ошкор этилмайди.

2.7.2 Кадрлар бошқармасининг ходимлари, юридик-шартнома бўлими бошлиғи ва комплеанс хизматининг масъул ходими, шунингдек Жамият бошқарув раиси номзодларни текшириш иш реестри маълумотлари билан танишиш ва маълумотларни ўрганиш ҳукукига эга. (ушбу Йўриқномага 1 -илова).

Бошқа ходимлар ўз вазифаларини бажариш учун бундай маълумотларга эҳтиёж сезганда Жамият Бошқаруви раисининг ёзма розилигини олишлари шарт.

2.7.3 Номзод ишга қабул қилинган тақдирда уни текшириш натижалари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган муддат ва тартибда Ходимнинг шахсий иш ҳужжатида мажбурий сақланиши керак.

2.7.4 Жамиятда ишламаган номзодларни текшириш натижалари, агар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, уч йил давомида Жамиятнинг Кадрлар бошқармасида мажбурий сақланиши керак.

3 Ўзгартириш киритиш тартиби

3.1.1 Ушбу Йўриқнома доимий амалдаги ички меъёрий ҳужжат бўлиб, Жамият Бошқарув раисининг буйруғи билан тасдиқланган пайтдан бошлаб кучга киради ва бекор қилинган ёки янги таҳрир тасдиқлангунга қадар амал қилади.

3.1.2 Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамиятнинг мавжуд фаолияти ва тартиб-таомилларини қайта кўриб чиқиш зарурлигига олиб келадиган номзодларни текшириш соҳасидаги етакчи халқаро амалиётлар ўзгарган тақдирда қайта кўриб чиқилиши ва тузатилиши керак. Ушбу Йўриқномага киритилган барча ўзгартиш ва қўшимчалар Жамият Бошқарув раисининг буйруғи билан амалга оширилади.

«AMMOFOS-MAXAM» АЖнинг ишга қабул қилишда
номзодларни текшириш тўғрисидаги йўриқномага 2-илова

«AMMOFOS-MAXAM» АЖ ишга қабул қилишда номзодни текшириш натижалари бўйича

ХУЛОСА

№ _____ « _____ » _____ йил

1. Асосий маълумотлар	
1.1	Номзоднинг ФИО
1.2	Тугилган санаси
1.3	Лавозим / вакансия
1.4	Таркибий бўлим
1.5	Алоқа учун телефон
1.6	Электрон почта манзили
2. Иш тажрибаси	
2.1	Олдинги иш жойлари(тескари хронологик тартибда), лавозимлар
2.2	Аввалги иш жойларидан салбий фикрларнинг мавжудлиги
☐ Ҳа ☐ Йўқ Изоҳ(лар): Манба(лар):	
3. Текшириш натижалари	
3.1	Ушбу Йўриқноманинг 2.3.2 -бандида назарда тутилган ҳужжатларнинг тўлиқ тўплами қабул қилинганми?
☐ Ҳа ☐ Йўқ Йўқолган ҳужжат(лар): Йўқлигининг сабаби (лари):	
3.2	Номзоддан олинган ҳужжатлар ва маълумотларнинг ишончсизлиги, шу жумладан, сўровномада кўрсатилган ва ўзи ҳақидаги баъзи маълумотларни яшириш ва сохталаштириш белгилари мавжудлиги.
☐ Ҳа ☐ Йўқ Изоҳ(лар): Манба(лар):	
3.3	Номзоднинг судланганлиги ва (ёки) иқтисодий ҳуқуқбузарликлар туфайли фуқаролик, маъмурий, жиноий, интизомий ёки бошқа жавобгарликка тортилиш фактлари мавжудлиги.
☐ Ҳа ☐ Йўқ (агар шундай бўлса, асосларини кўрсатинг) Изоҳ(лар): Манба(лар):	
3.4	Раҳбарлик лавозимларини эгаллашга тақикнинг мавжудлиги (Раҳбарлик лавозимига номзод учун)
☐ Ҳа ☐ Йўқ Изоҳ(лар): Манба(лар):	
3.5	Номзод ва унинг яқин қариндошларининг давлат амалдорлари билан алоқадорлик белгиларининг мавжудлиги:
☐ Ҳа ☐ Йўқ (агар шундай бўлса, унда: иш жойи, лавозими, асосий вазифаларини,	

		шунингдек, Жамиятда ишлаш учун зарур рухсатномани текширинг)
		Изоҳ(лар): Манба(лар):
	2) Ишга номзод собик ҳукуматнинг амалдори ҳисобланади.	☐ Ҳа ☐ Йўқ (агар шундай бўлса, кўрсатинг: иш даври, иш жойи, лавозими, асосий вазифалари) Изоҳ(лар): Манба(лар):
	3) Номзоднинг яқин қариндошлари амалдаги давлат амалдорлари ҳисобланади	☐ Ҳа ☐ Йўқ (агар шундай бўлса, унда кўрсатинг: тўлиқ ИФО ва муносабатлар даражаси (агар манфаатлар тўқнашуви номзоднинг қариндошлари билан боғлиқ бўлса), компания номи, лавозими) Изоҳ(лар): Манба(лар):
3.6	Номзодда манфаатлар тўқнашуви белгилари мавжудлиги:	☐ Ҳа ☐ Йўқ
	1) Номзод ёки унинг яқин қариндошлари қарор қабул қилиш билан боғлиқ бошқарув лавозимини ва / ёки лавозимини эгаллаши ва / ёки бошқа (шу жумладан, рақобатбардош) компанияларнинг бошқарув органлари таркибига кириши.	☐ Ҳа ☐ Йўқ (агар шундай бўлса, унда кўрсатинг: тўлиқ ИФО ва муносабатлар даражаси (агар манфаатлар тўқнашуви номзоднинг қариндошлари билан боғлиқ бўлса), компания номи, лавозими) Изоҳ(лар): Манба(лар):
	2) Номзод ёки унинг яқин қариндошлари ҳар қандай ташкилотнинг устав капиталидаги акциялар ва шулар ёки "Тошкент" Республика фонд биржасида ёки бошқа фонд биржасида оммавий муомалада бўлган ҳар қандай ташкилотнинг 5% ва ундан ортиқ қимматли қозғаларига, оммавий муомалада бўлмаган ёки бошқа (шу жумладан, инвестицияларни амалга ошириш йўли билан) бошқа (шу жумладан, рақобатбардош) компанияларнинг фаолияти натижаларида бошқа шахсий манфаатдорликка эгалиги	☐ Ҳа ☐ Йўқ (агар шундай бўлса, унда кўрсатинг: тўлиқ ИФО ва муносабатлар даражаси (агар манфаатлар тўқнашуви номзоднинг қариндошлари билан боғлиқ бўлса), компания номи, лавозими) Изоҳ(лар): Манба(лар):
	3) Бошқа белгилар	☐ Ҳа ☐ Йўқ Изоҳ(лар): Манба(лар):
3.7	Номзод ва / ёки унинг яқин қариндошлари тўғрисида, шу жумладан коррупция, фирибгарлик ёки бошқа поқонуний ҳаракатларда иштирок этиши тўғрисида салбий ва / ёки компромат маълумотларнинг мавжудлиги.	☐ Ҳа ☐ Йўқ Изоҳ(лар): Манба(лар):
3.8	Номзодга нисбатан бошқа хавф кўрсаткичлари (шу жумладан, салбий кредит тарихининг йўқлиги; ижтимоий тармоқларда ва оммавий ахборот воситаларида тақдим этилган турмуш тарзи расмий даромад даражасига тўғри	☐ Ҳа ☐ Йўқ Изоҳ(лар): Манба(лар):

	келмаслиги ва ҳоказо).	
3.9	Бошқа маълумотлар (шу жумладан, суҳбат натижаларини ўз ичига олган ҳолда (агар ўтказилган бўлса))	Ҳа Йўқ Изоҳ(лар): Манба(лар):

4. Хулоса	Ҳа / Йўқ	Изоҳ
Хавф кўрсаткичлари мавжудлиги		Белгиланган тоифадаги камида битта хавф мавжуд бўлганда салбий хулоса
3.5, 3.6 ёки 3.7 бандларда хавф кўрсаткичларининг мавжудлиги		Комплаенс хизматининг қўшимча хулосаси талаб қилинади
ЯКУНИЙ НАТИЖА		(салбий баҳолаш / ижобий баҳолаш / COMPLAENCS хизматининг хулосаси талаб қилинади)
ТАВСИЯЛАР (аниқланган хавфларни ҳисобга олган ҳолда)		

4.1 COMPLAENCS хизматининг хулосаси, шу жумладан тавсиялар (агар керак бўлса)

ComplAENCS хизмати раҳбари _____ (ФИО)
 _____ « _____ » _____ 20__ й.
 (имзо) (сана)

Ижрочи _____ (ФИО)
 _____ « _____ » _____ 20__ й.
 (имзо) (сана)

Бўлим бошлиғи _____ (ФИО)
 _____ « _____ » _____ 20__ й.
 (имзо) (сана)

ТАНИШУВ ВАРАҒИ

[illegible]